

Масжиди Набавийда дезинфекцияловчи робот ишга тушди



14:00 / 22.03.2021 2387

Мусулмонлар учун энг мўътабар жой бўлган Масжидул Ҳарамнинг имоми, дунёдаги машҳур Қуръон қориларидан бири Абдул Раҳмон Ал-Судайс Масжидул Набавияда автоматлаштирилган робот тозалаш воситасини очди.

Ушбу робот бутун дунёда давом этиб турган коронавирус пандемиясининг тарқалишини тўхтатиш учун автоматик равишда масжидларни санитария қилади.

Аввал, худди шундай робот Макка шаҳридаги Масжидул Ҳарам учун тақдим қилинган эди. Шундан бери дезинфекцияловчи роботга эга бўлиш ғояси зиёратчиларни ҳимоя қилиш билан машҳур бўлди.

Иккита муқаддас масжидлар раҳбарияти дунёнинг турли бурчакларидан келган зиёратчиларнинг соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш учун технологияни қўшни муқаддас жойларга киритишга кўпроқ эътибор беришади.

Эслатиб ўтамиз, Саудия Арабистони бундан буён Умра ва Ҳаж зиёратини қилишни истаган одамлар учун коронавирусга қарши эмлашни мажбурийлаштирди. Саудия Арабистони Подшоҳлиги эмланмаган кишини муқаддас қадамжога киришига йўл қўймайди.

Шунингдек, Масжидул Ҳарам ва Масжидул Набавий каби муқаддас масжидларда иссиқлик детекторлари ўрнатилди, улар енгил ёки юқори иситма билан касалланган одамларни аниқлаб, бу шахс ҳақида ҳокимиятни огоҳлантиради.

Масжидларда технологияни жорий этиш соғлиқ ҳақида гап кетганда жуда фойдали бўлиши мумкин. Саудия Арабистонидаги барча масжидлар мунтазам равишда санитария қилинган, чунки қироллик мамлакатдаги барча масжидларнинг санитария ҳолатида бўлишига кўп вақт сарфлайди.

Шунингдек, Қироллик «Ҳаж-2021»нинг чегарасиз нормал ўтишига рухсат берди. 2021 йил Рамазон ойида кенг жамоатчилик таровеҳ намозида қатнашиши мумкинлиги режалаштирилган. Аммо, Масжидул Ҳарам ва Масжидул Набавийда намоз ўқиётганда одамлар ниқобларни тақишлари, тозалikka эътибор қилишлари ва ижтимоий масофани сақлашлари кераклиги айтилади.

Манба: theislamicinformation.com

Хуршид Маъруф тайёрлади